Касбий педагогика кафедраси 2002 йил декабрь ойида ташкил этилган. Унга физика-математика фанлари доктори, профессор А.Х.Қосимов мудир этиб тайинланди. Кафедра касбий педагогика-телекоммуникация йўналиши бўйича бакалаврлар ва касб-хунар фанларини ўқитиш методикаси мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш учун масъул этиб тайинланган.

Кафедра профессор - ўқитувчилари томонидан ўтган давр ичида бакалавриатура ва магистратура талабаларига ўқув режаси асосида ўқитиладиган ҳамма фанлардан ишчи ўқув дастурлари тайёрланди. Булардан ташқари, замон талабларига жавоб берувчи илмий-услубий ишларни олиб бориб ва ўқув-услубий адабиётларни яратиб ҳам режалаштирилган.

Кафедра ахборот технологиялари ва телекоммуникация педагогикаси таълим йўналиши бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлаш кафедраси хисобланади.



Ҳозирги кунда касбий педагогика кафедрасида куйидаги профессор-ўқитувчилар ёшларга билим бермокдалар, булар: доцент Х.М.Гофуров, катта ўқитувчилар Р.Н.Абдулазизова, М.С.Абилова, ассистентлар М.Т.Михридинова, М.Н.Галкиналардир.

## Кафедра педагогика профессиональных дисциплин


Кафедра педагогика профессиональных дисциплин организована в декабре 2002 года. Заведующим назначен доктор физико-математических наук, профессор А.Х.Касимов.

Основная цель создания кафедры - подготовка преподавателей для профессиональных колледжей, лицеев и вузов по информационным технологиям и телекоммуникациям.

Основной задачей кафедры является участие в разработке учебных планов, а также программ читаемых дисциплин, подготовке конспектов лекций и разработке методических пособий по практическим и лабораторным работам.

Кафедра является выпускающей (бакалавров и магистров) по направлению образования педагогика информационных технологий и телекоммуникации.

В настоящее время на кафедре работают доцент Х.М.Гафуров, старшие преподаватели Р.Н.Абдулазизова, М.С.Абилова, ассистенты М.Т.Михридинов, М.Н.Галкина.



8

**Радиотехника,  
радиоалоқа,  
радиоэшиттириш  
ва телевидение  
факультети**

**Факультет  
радиотехники,  
радиосвязи и  
телевидения**

Радиотехника, радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение факультети 1957 - 1958 ўқув йилидан радиоалоқа ва радиоэшиттириш мутахассислиги бўйича инженерлар тайёрлаш мақсадида радиоалоқа, радиоэшиттириш факультети сифатида ўз фаолиятини бошлади. Биринчи ўқув йили факультетга 100 та талаба қабул қилинган.

Дастлабки даврда факультет декани вазифасини доцент Х.Т.Турсунов (1957 йил март-июнь) бажарди. Шу йил иондан 1960-1961 ўқув йили бошигача РТ ва РА факультет декани этиб, катта ўқитувчи Р.И.Мансуров тайинланди. Кейинроқ факультетга катта ўқитувчи М.Н.Ваулин (1961-1980 йиллар), доцентлар: Ш.З.Таджибаев (1980-1985 йиллар), О.А.Абдуазизов (1986-2000 йил), М.З.Зупаров (2000-2001 ўқув йилида) деканлик қилдилар. 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб, факультетга доцент Р.Р.Ибраимов декан лавозимига тайинланди.

Факультетни биринчи битирганлар 67 тани ташкил этган. Факультет 1986-1987 ўқув йилидан бошлаб, радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение факультети деб ўзгартирилди. 1962-1999 йиллар давомида 3904 радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение инженерлари, 1999-2004 йилларда 663 бакалаврлар ва 2001-2004 йиллар давомида 72 магистрлар тайёрлади.

Факультет 1994/1995 ўқув йилидан бошлаб, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш тизимига ўтди. Аввалига телевидение, радиоалоқа ва радиоэшит-

тириш йуналиши бўйича, 2000/2001 ўқув йилидан эса радиотехника йуналиши бўйича бакалаврлар тайёрланмоқда. 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб, икки мутахассислик; мобил алоқа тизимлари; радиотехника қурилмалари ва алоқа воситалари бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

Факультет таркибида қуйидаги кафедралар фаолият кўрсатмоқда:

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти.

радиотехника ва радиоалоқа, антенна-фидер қурилмалари, алоқа қурилмалари электр таъминоти, радиоалоқа қурилмалари, телевидение ва радиоэшиттириш қурилмалари, радиотехник тизимлар.

Факультет таркибида 1966-1988 йилларда Радиоузатиш қурилмалари кафедраси фаолият кўрсатган. Кафедрага катта ўқитувчилар В.М.Карабанов, М.С.Чуев, техника фанлари номзоди, доцент С.Х.Турсуновлар мудирлик қилганлар. Кафедрада доцентлар Е.М.Зенин, Х.С.Соатов, В.А.Филин, катта ўқитувчилар Л.Н.Шабалин, С.Н.Ильиналар радиоузатиш қурилмалари, автоматика ва телемеханика асослари фанларидан талабаларга билим бердилар. Кафедра иккита ўқув лабораторияси ва битта илмий-тадқиқот лабораториясига эга эди.

Факультетнинг ўқув лабораториялари замон талабига жавоб берадиган ўқув лаборатория макетлари, замонавий радиоалоқа қурилмалари ва тизим-

Факультет радиотехники, радиосвязи и телевидения (РТТ) был организован в 1957 году как факультет радиосвязи и радиовещания (РСиРВ) с целью подготовки инженеров радиосвязи и радиовещания. Первый план набора на факультет составил 100 студентов. В начальный период организации факультета обязанности декана исполнял доцент Х.Т.Турсунов (март-июнь 1957г.). На должности декана факультета РСиРВ с июня 1957 года до начала 1960-61 учебного года работал старший преподаватель Р.И.Мансуров. В дальнейшем деканами факультета были старший преподаватель М.Н.Ваулин (1961-1980гг.), доценты Ш.З.Таджибаев (1980-1985гг.), А.А.Абдуазизов (1986-2000гг.), М.З.Зупаров (2000-01 уч.год). С 2001-02 учебного года на должности декана факультета работает доцент Р.Р.Ибраимов.

Первый выпуск факультета составил 67 инженеров радиосвязи и радиовещания. С 1986-87 учебного года он называется факультетом радиосвязи, радиовещания и телевидения (РТТ).

С 1962 по 1999 годы факультетом подготовлено 3904 инженера радиосвязи, радиовещания и телевидения, в 1999-2004 годы - 663 бакалавра, с 2001 по 2004 годы - 72 магистра.

В соответствии с Национальной программой подготовки кадров факультет РТТ с 1994-95 учебного года начал подготовку бакалавров по направлению образования радиосвязь, радиовещание и телевидение, с 2000 - 01 учебного года - по направлению образования радиотехника. С 1999-2000 учебного года ведется подготовка магистров по двум специальностям:

М.Н.Ваулин



Ш.З.Таджибаев



лари турли ўлчашлар олиб бориш учун радиоэлектрон ўлчов асбоблари билан таъминланган эди.

Факультет кафедраларида 2 фан доктори, профессор, 16 фан номзоди, доцентлар ишламоқда. Улардан бири ЎзФА академиги ва 4 Халқаро алоқа академияси академикларидир.

Факультет профессор-ўқитувчилари таркиби томонидан муҳандис бакалавр ва магистрларни тайёрлаш сифатини яхшилашга қаратилган бир қатор ишлар бажарилган. Жумладан:

умумтаълим ва мутахассислик фанларида қўлланиладиган атамалар изоҳли лугати ва уларнинг ҳарфлар билан белгиланишини мослаштириш.

олий математика, физика, умумтаълим ва мутахассислик фанлари намунавий ва ишчи дастурларининг бир-бирига узвий боғлиқлигини таъминловчи структуравий схемасини яратиш.

фанларни ўқитишда техник воситалар аудио, видеомагнитофонлар ва кодоскоплар, электрон проектрларидан фойдаланиш.

ўқиш жараёнини модулли, блокли услубларни қўллаш методи ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, уларни ўқиш жараёнига татбиқ қилиш.

ўқув йилини уч семестрлик қилиб ташкил қилиш ва унинг афзалликлари бўйича.

фанлардан маъруза матнларини яратиш ва унинг электрон шаклидагисини университет электрон кутубхонаси серверига киритиш.

фанлардан виртуал лаборатория ишларини яратиш бўйича катта эътиборга эга илмий-услубий



ишлар бажарилган ва амалга оширилган.

Факультетда ўтган даврда давлат бюджети ва хўжалик шартномаси асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди ҳамда маълум натижаларга эришилди. Буларга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин.

Телевидение ва радиоэшийтириш кафедраси профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари томонидан махсус телевизион трубкаларнинг сезгирлиги спектрал анализи; саноатда қўлланиладиган махсус те-

мобильные системы связи; радиотехнические устройства и средства радиосвязи.

К факультету РРТ прикреплены следующие кафедры:

теория и практика строительства демократического общества в Узбекистане;

радиотехника и радиосвязь;

антенно-фидерные устройства;

электропитание устройств связи;

устройства радиосвязи;

радиотехнические системы;

телевидение и радиовещание.

В составе факультета в 1966-1988 годы функционировала кафедра радиопередающих устройств. Заведующими кафедрой РПДУ были старшие преподаватели В.М.Карабанов, М.С.Чуев и кандидат технических наук, доцент С.Х.Турсунова. На кафедре в разные годы работали кандидаты технических наук, доценты Е.М.Зенин, Х.С.Соатов, В.А.Филин, старшие преподаватели Л.Н.Шабалин, С.Н.Ильина. Кафедра проводила учебные занятия по дисциплинам РПДУ и основы автоматики и телемеханики. При кафедре функционировали две учебные и одна научно-исследовательская лаборатории. Учебные лаборатории факультета РРТ были оснащены необходимыми макетами, техникой радиосвязи и радиоэлектронной измерительной техникой.

На кафедрах факультета работают два доктора наук, 16 кандидатов наук, доцентов. Среди

них один академик Академии наук Узбекистана, четыре академика Международной академии связи.

Профессорско-преподавательским составом проведен ряд работ, направленных на улучшение качества подготовки инженеров, бакалавров и магистров. В том числе:

составлен толковый словарь терминов, используемых в общетехнических и специальных дисциплинах, унифицированы буквенные и другие обозначения в текстах и принципиальных схемах по этим дисциплинам;

разработана структурно-логическая схема взаимосвязи дисциплин физика, высшая математика, общетехнические и профилирующие дисциплины;

предложено использование в учебном процессе аудио- и видеомагнитофонов, кодоскопов, электронных проекторов и т.д.;

предложены организация учебного процесса по модульному и блочному методу, анализ результатов, их внедрение в учебный процесс;

предложена трехсеместровая организация учебного процесса;

разработаны конспекты лекций и их электронные версии;

разработаны виртуальные лабораторные работы по дисциплинам и внедрены в учебный процесс.

Кафедрами факультета выполнен большой объем госбюджетных и хозрасчетных научно-исследовательских работ.

левион тизимларни яратиш, айникса, заряд оркали алоқа ярим ўтказгич асбоблари асосида электрон микроскоп ва рангли телевизион камеранинг яратилиши; космик кемаларни бир-бирига яқинлаштириш ва қўшиш автоматик телевизион қурилмасини яратиш устида олиб борилган ишлар.

Радиотехника ва радиоалоқа кафедраси томонидан: мураккаб радиосигналлардан радиотехник қурилмаларда фойдаланиш; сунъий йўлдош оркали радиоэшиттириш ва телевидение дастурларини тақсимлаш тармоғини тадқиқ этиш; кенг полосали алоқа тармоғи ва ундан фойдаланиш имкониятлари; ахборотларни ясси экранларда акс эттириш қурилмасини яратиш; қўп каналли магистрал алоқа кабеллари оркали сигналларни рақамли шаклда узатиш қурилмаларини яратиш ва оптималлаштириш; кучайтириш қурилмаларида комплементар транзисторлардан фойдаланиш мавзусида олиб борилган ишлар.

Радиоалоқа қурилмалари кафедраси томонидан: радиоэлектрон элементлар ва қурилмалар ҳолатини, ишга яроқчилигини баҳолаш; дискрет сигналларнинг халақитбардошлигини тадқиқ этиш; интеграл схемалар ва интеграл йиғмалар ишга яроқчилигини баҳолаш; радиоэлектрон қурилмаларни математик моделлаш; акусто-оптик филтлардан радиотехник қурилмаларда фойдаланиш бўйича илмий изланишлар.

Радиотехник тизимлар кафедрасида: Орол денгизи сув хавзасининг ҳолати ҳақида ахборотларни

тўплаш ва уни сунъий йўлдош оркали алоқа тизими ёрдамида қайта ишлаш ва бошқариш, рақамли радиоэшиттириш ва телевизион сигналларни сунъий йўлдош оркали узатиш ва тақсимлашни тадқиқ этиш бўйича илмий изланишлар.

Антенна-фидер қурилмалари кафедрасида: турли узатиш ва қабул қилиш антенналарини яратиш, таҳлил қилиш; радио тўлкинларнинг шаҳар ҳудудида тарқалишини ўлчаш ва тавсиялар бериш; электромагнит ҳамжихатлик ва аҳолини электромагнит нурланишдан ҳимоя қилиш тадбирлари ва сатҳини тавсия этиш тўғрисидаги ишлар. Катта қувватли тўрсимон антенналар асосий характеристикаларини аниқлаш: «Вектор» ИИЧБ билан ҳамкорликда халақитбардош турли антенна қуриш; телевизион станциялар узатиш антенналарини модернизациялаш ва дециметрли диапазонда ишлаш учун панелсимон антенна яратиш ва тайёрлаш йўналишидаги ишлар. Онкологик касалликларни даволаш учун тана тўқималарини гипертермик нурланиш ёрдамида қизитиш лаборатория қурилмасини яратиш ва тадқиқотлар олиб бориш учун даволаш тапқилотларига тавсия этиш;

Алоқа корхоналари электр таъминоти кафедрасида: алоқа корхоналаридаги иш жойларида шовкинларни ўлчаш ва ҳаёт хавфсизлигини таъминловчи сатҳи ҳақида тавсиялар бериш давлат стандартини яратиш. Орол денгизи атрофида экологик вазият мониторинги ишлари бажарилди. Факультет талабалари 3-курсдан бошлаб, тегишли ка-

Преподавателями и научными сотрудниками кафедры ТВ и РВ проведены исследовательские работы по определению спектральной чувствительности некоторых телевизионных трубок, проведена разработка промышленных телевизионных установок, разработка на основе ПЗС электронного микроскопа и цветной телевизионной камеры, разработано устройство телеконтроля и телеуправления, использующихся при сближении и стыковке космических кораблей.

На кафедре радиотехники и радиосвязи выполнены работы по использованию сложных сигналов в радиотехнических устройствах, по широкополосным системам связи и использованию их пропускной способности, разработке устройств отображения информации на плоском экране, разработке методов передачи цифровых сигналов по кабельным линиям связи, исследованию использования комплементарных транзисторов в усилительных устройствах.

Кафедра устройств радиосвязи проводила ряд исследовательских работ, посвященных оценке надежности и диагностике дискретных элементов радиоэлектронных средств, больших и сверхбольших интегральных схем, исследованию помехоустойчивости дискретных сигналов, математическому моделированию радиотехнических устройств, использованию акусто-оптических фильтров в радиотехнических устройствах.

На кафедре радиотехнические системы проводилась работа по сбору, обработке и передаче через искусственный спутник Земли (ИСЗ) информации о водном бассейне Аральского моря и принятию управленческих решений, разработке системы распределения сигналов цифрового радиовещания и телевидения через ИСЗ.

Кафедра антенно-фидерных устройств вела работу по разработке различных передающих и приемных антенн, исследованию условий распространения радиосигналов в условиях крупного города и внесению предложений, направленных на улучшение электромагнитной обстановки, разработке мер по защите населения от электромагнитных излучений, по изучению электромагнитной обстановки и обеспечению электромагнитной совместимости различных радиоэлектронных средств, исследованию основных характеристик решетчатых антенн, излучающих сигналы большой мощности, разработке адаптивных помехоустойчивых решетчатых антенн, модернизации телевизионных антенн и разработке панельной телевизионной антенны для дециметрового диапазона, установки по созданию тонкого лучевого потока для лечения онкологических болезней гипертермическим методом.

На кафедре электропитания устройств связи проводились работы по измерению уровня шума на предприятиях связи и разработке рекомендаций для включения санитарной нормы по допустимому уровню шума в стандарты, мониторингу экологической обстановки вокруг Аральского моря.

федраларга бириктириладилар ва ушбу кафедра профессор-ўқитувчилар билан бирга талабалик илмий иш ва битирув малакавий иш мавзуси бўйича изланишлар олиб борадилар. изланишлар натижаларини талабалар илмий-техник анжуманларида муҳокама қиладилар.

Факультет талабалари турли танлов ва фанлар бўйича олимпиадаларда, илмий-техник конференцияларда катнашиб совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Факультет магистранти Д.Расулов 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси совриндори бўлишга муваффақ бўлди.

Бундан ташқари, факультет талабалари юртимиз ва собиқ иттифокнинг турли худудларида (Жиззах, Қашқадарё, Олтой, Нижний Новгород ва бошқа худудлар) курувчи талабалар гуруҳи сифатида узоқ йиллар давомида ёзги таътил даврида алоқа иншоотларини куриш ва сошлашда катнашдилар. Факультет талабалари узоқ вақт давомида (1986 йил битирувчилари) «Илхом» ёшлар театр студияси актёрлари сифатида иштирок этдилар.



Студенты факультета, начиная с 3-го курса, закрепляются за конкретной кафедрой и преподавателями. В период обучения студент вместе со своим руководителем с кафедры ведет исследовательскую работу, выступает с докладами и готовит научные статьи для публикации в сборниках и журналах.

Студенты факультета принимают активное участие в научно-технических конференциях, конкурсах и олимпиадах по отдельным дисциплинам и занимают призовые места. В 2003 году магистрант

факультета Ф.Д.Расулов был удостоен президентской стипендии.

Студенты факультета в составе студенческих строительных отрядов выезжали в разные регионы республики и бывшего Союза (Джизак, Кашкадарья, Ташкентская область, Алтайский край, Нижний Новгород и другие).

Студенты факультета длительное время участвовали в качестве актеров молодежного театра студии «Илхом» (выпускники 1986 года).

## Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси

Кафедра 1999 йилда ташкил этилган. Кафедрага ташкил этилгандан ҳозирги кунгача фалсафа фанлари номзоди, доцент Г.Ж.Туленова мудирлик қилиб келмоқда.

Кафедрада: Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, сиёсатшунослик, маънавият асослари, ҳуқуқшунослик, социология, диншунослик, Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш, геополитика фанлари ўқитилади.

Кафедрада уч фан номзоди, 8 катта ўқитувчи ва икки ассистент фаолият кўрсатмоқда. Кафедра ташкил этилгандан буён фалсафа фанлари номзоди, доцент Р.Расулов, катта ўқитувчилар Е.И.Гамолина, Г.А.Халикова, Х.Каримовлар фаолият юритдилар. Улар томонидан барча фанлардан маъруза матнлари тайёрланган. Ҳозирги кунда 5 босма табоқ ҳажмдаги ўқув қўлланма чоп этилди.

Кафедра ЎзФА фалсафа ва ҳуқуқ институти, тарих институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат юридик институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети, Нукус давлат университетлари билан доимий ҳамкорликда иш олиб боради.

Кафедра ўқитувчилари билан Республикадаги: Темпус, TACIS, Евразия, Виктор Гюго номидаги Франция маданият маркази, Тошкент имконият маркази, Тошкент шаҳар маърифат ва маънавият маркази, Истеъдод фонди ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Кафедра ўқитувчилари малакаларини ошириш бўйича доимий иш олиб борилади. Улар Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, илмий тадқиқот институтлари ва мамлакатимизнинг бошқа олий ўқув юртлири ташкил этадиган илмий конференциялар ва семинарларда иштирок этадилар.

Кафедра илмий изланишларининг асосий йўналиши қилиб, ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари, бу фаолликни шакллантириш омиллари ва унинг ўсишига ёки сўнишига таъсир этувчи жиҳатларини чуқур ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш мавзулари танланган.

80

## Кафедра теори и практики строительства демократического общества в Узбекистане

Кафедра была образована в 1999 году. Со дня ее организации заведует кафедрой кандидат философских наук, доцент Г.Ж.Туленова.

Преподаватели кафедры проводят занятия со студентами по следующим дисциплинам: теория и практика строительства демократического общества в Узбекистане, политология, основы духовности, правоведение, социология, религиоведение и геополитика.

На кафедре работают 3 кандидата наук, 8 старших преподавателей и 2 ассистента.

Со дня организации кафедры работают кандидат философских наук, доцент А.Расулов, старшие преподаватели Е.И.Гамолина, Г.А.Халикова, Х.Каримов, З.А.Мухамедова.

По всем дисциплинам подготовлены конспекты лекций. Издано учебное пособие объемом 5,0 печатных листов.

Коллектив кафедры сотрудничает с Институтом философии и права АН РУз, Узбекским национальным университетом, Ташкентским государственным юридическим институтом, Ташкентским государственным педагогическим университетом им. Низами, Самаркандским государственным университетом имени А.Навои, Нукусским государственным университетом.

Преподавателями кафедры установлены тесные связи с представительствами общественных организаций «Темпус», TACIS, Евразия, культурным центром им. Виктора Гюго, ресурсным центром города Ташкента, центром по духовности и нравственности города Ташкента, фондом «Истеъдод». Преподаватели кафедры ведут постоянную работу над повышением своей квалификации. Они участвуют в научных конференциях и семинарах, организуемых Министерством высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан, научно-исследовательскими институтами и другими вузами республики.



## Радиотехника ва радиоалоқа кафедраси

1960 йили ташкил этилган «Радиотехника назарий асослари» номи билан юритилган. Кафедрага катта ўқитувчи В.А.Черноусов (1960-1964) мудирлик қилган. Кафедра ташкил этилган дастлабки йилларда катта ўқитувчи В.А.Черноусов, ассистентлар О.М.Курбанов, Л.И.Черникова, катта ўқитувчи В.К.Штейн, 1964 йилдан бошлаб, Ленинграддан йўлланма билан ишга юборилган, номзодлик диссертациясини химоя қилган Г.А.Ляховецкийлар фаолият юритганлар. 1964-1965 ўқув йилида «Сигналлар узатиш назарияси ва ночизикли электр занжирлар назарияси» кафедраси деб қайта ташкил этилди. Қайта номланган кафедранинг техника фанлари номзоди, доцент Г.Я.Ляховецкий биринчи раҳбари бўлди. Телефон-телеграф кафедрасида 1966 йил январидан кафедрага ассистент лавозимида ишлаш учун О.А.Абдуазизов, Е.Т.Авилкина, А.Д.Кропивницкий, В.И.Маненковлар келиб қўшилдилар. 1967-1968 йиллари Москва ва Ленинград электротехника алоқа институтлари аспирантурасида ўқиш учун О.А.Абдуазизов, А.А.Кропивницкий, В.И.Маненков, В.А.Пак юборилдилар. 1970 йили кафедрага М.А.Мендельсон, В.И.Лютин, Е.Т.Жалолова (Кравченко), А.А.Савчук каби ёш мутахассислар ассистентлик лавозимида иш бошладилар. Турли даврларда кафедрага доцент

Б.Н.Воротинцев, В.А.Пак, Н.Х.Гульгўраев, ассистентлар, Ю.И.Кулебякин, А.А.Коваленко, О.Г.Шацкая, Н.В.Бочкаева, Л.А.Бучок ва бошқалар ишладилар. Турли йилларда кафедрага доцент А.А.Кропивницкий (1978-1993 йил), доцент С.Х.Сидиков (1993-1997) мудирлик қилдилар. РТ ва РА кафедрасига 1997 йилидан шу кунгача Халқаро алоқа академияси академиги, доцент О.А.Абдуазизов мудирлик қилмоқда.

2003-2004 ўқув йилидан кафедра радиотехника, радиоалоқа деб номланди.

Ҳозирда кафедрада кафедра мудир, доцент О.А.Абдуазизов, катта ўқитувчилар: И.Р.Фозилжонов, А.А.Ярмухамедов, Н.В.Гринюк, У.Ш.Собирова, ассистентлардан Д.С.Юлдашева, Х.Х.Шоюсупова, И.В.Королевалар фаолият кўрсатмоқдалар.

Кафедра ўқитувчилари алоқа; кўп каналли электр алоқа мутахассисликлари бўйича инженерлар тайёрлаш даврида (1960-1994 йиллар) қуйидаги фанлардан ўқув машғулоти олиб бордилар:

радиотехника назарий асослари,  
радиоўлчашлар,  
ночизикли электр занжирлари назарияси,  
сигналлар узатиш назарияси,  
сигналларни рақамли қайта ишлаш,  
радиоэлектрон асбоблар электромагнит мослиги.  
Университет 1994-1995 ўқув йилидан бакалавр ва магистрлар тайёрлаш тизимида ўтганлиги муносабати билан қуйидаги фанлардан талабаларга билим беришга ўтди:

81

## Кафедра радиотехники и радиосвязи

Основа кафедры была создана в 1960 году как кафедра теоретических основ радиотехники. Заведовал ею старший преподаватель В.А.Черноусов (1960-1964гг.). С 1964-65 учебного года была реорганизована и переименована в кафедру теории передачи сигналов и нелинейных электрических цепей (ТПСи НЭЦ). Первым руководителем переименованной кафедры ТПС и НЭЦ был кандидат технических наук, доцент Г.Я.Ляховецкий. В разные годы ее возглавляли доценты А.А.Кропивницкий (1978-1993гг.), С.Х.Сидиков (1993-1997гг.). С 1997 года кафедру возглавляет доцент А.А.Абдуазизов. С 2003-04 учебного года кафедра переименована в кафедру радиотехники и радиосвязи (РТиРС).

В первые годы на кафедре работали старший преподаватель В.А.Черноусов, ассистенты О.М.Курбанов, Л.И.Черникова, старший преподаватель В.К.Штейн и с 1964 года Г.Я.Ляховецкий, направленный на работу после окончания аспирантуры ЛЭИС.

С января 1966 года на должности ассистента начали работать выпускники факультета РРТ А.А.Абдуазизов, Е.Т.Авилкина, А.Д.Кропивницкий и В.И.Маненков.

В 1967-68 учебном году в целевую аспирантуру при МЭИС и ЛЭИС были направлены ассистенты

А.А.Абдуазизов, А.Д.Кропивницкий, В.И.Маненков и В.А.Пак.

В 1970 году на кафедре начали работать молодые специалисты М.М.Мендельсон, В.И.Лютин, Е.Ф.Джалалова (Кравченко), А.А.Савчук.

В разные годы здесь работали доценты Б.Н.Воротинцев, В.А.Пак, Н.Х.Гульгўраев, ассистенты Ю.И.Кулебякин, А.А.Коваленко, О.Г.Шацкая, Н.В.Бочкаева, Л.А.Бучок. В настоящее время на кафедре работают заведующий кафедрой доцент А.А.Абдуазизов, старшие преподаватели И.Р.Фазилжанов, А.А.Ярмухамедов, Н.В.Гринюк, У.Ш.Собирова, ассистенты Д.С.Юлдашева, Х.Х.Шоюсупова, И.А.Королева.

В период подготовки инженеров (1960-1994 гг.) кафедра проводила учебные занятия по следующим дисциплинам:

теоретические основы радиотехники;  
радиоизмерение;  
теория нелинейных электрических цепей;  
теория передачи сигналов;  
цифровая обработка сигналов;  
электромагнитная совместимость РЭС.

В связи с переходом института с 1994-95 учебного года на подготовку бакалавров и магистров преподаватели кафедры начали проводить занятия по дисциплинам:

теория электрической связи;  
радиотехнические цепи и сигналы;  
устройства формирования и обработки сигналов;

электр алоқа назарияси,  
радиотехник занжирлар ва сигналлар,  
сигналларни шакллантириш ва қайта ишлаш  
қурилмалари.

статистик радиотехника,  
радиолокация асослари,  
радиобошқарув қурилмалари ва тизимлари,  
радиотехник қурилмаларнинг халақитбардош-  
лиги назарияси.

Кафедра университет микёсида радиотехника  
йўналиши бўйича бакалаврлар ва радиотехник  
қурилмалар ва алоқа воситалари мутахассисликла-  
ри бўйича магистрлар тайёрлаш ўқув режалари ту-

зиш, уни тасдиқдан ўтказиш, машғулотлар сифати-  
ни назорат қилиш учун масъул этиб тайинланган.

Кафедра ўқитувчилари бакалаврлар битирув  
малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияла-  
рига раҳбарлик қиладилар.

Кафедра компьютер синфига ва ўқув лаборато-  
риясига эга. Компьютер синфи фанлардан вирту-  
аль лаборатория ишларини бажаришга ва амалий  
машғулотлар ўтказишга мослаштирилган. Ўқув  
лабораториясида эса фанлардан реал макетлар  
ёрдамида ишлар бажарилади.

Кафедрада талабаларга ўргатиладиган ҳамма  
фанлар маъруза матнлари босма ва электрон шак-

В.А.Чернусов



А.Д.Кропивницкий



С.Х.Сидиков



82

статическая радиотехника;  
основы радиолокации;  
радиоуправление;  
помехоустойчивая радиосвязь.

Кафедра РТ и РС назначена ответственной по  
университету за подготовку бакалавров по направ-  
лению образования радиотехника и магистров по  
специальности радиотехнические устройства и сред-  
ства радиосвязи, по подготовке типовых и рабочих  
учебных планов, типовых программ дисциплин, по  
контролю качества проводящихся занятий, закреп-  
лению выпускных квалификационных работ (ВКР),  
магистерских диссертаций (МД) и организации их  
защиты при Государственной аттестационной ко-  
миссии (ГЭК).

Для проведения виртуальных лабораторных  
работ и лабораторных работ на реальных макетах  
кафедра имеет компьютерный класс и лаборато-  
рию, оснащенную необходимой измерительной тех-  
никой.

Кафедрой подготовлены и изданы в необходи-  
мом количестве учебные пособия, конспекты лек-  
ций, описание лабораторных работ и задачки по  
дисциплинам на государственном и русском языках.  
В настоящее время разработано более сорока вир-  
туальных лабораторных работ, из них двадцать -  
на государственном языке, подготовлены методи-  
ческие пособия по их выполнению.

В 1960 году при кафедре была организована на-  
учно-исследовательская лаборатория со штатом в

5 человек, которые вместе с преподавателями про-  
водили исследовательскую работу. Первая научно-  
исследовательская работа была на тему «Разработ-  
ка магнитоотражающих фильтров и исследование  
их основных свойств». Руководителем темы был  
старший преподаватель В.К.Штейн. Следующей  
темой НИР кафедры была «Разработка устройства  
и исследование помехоустойчивости систем радио-  
связи с фазовой манипуляцией».

С конца семидесятых и до конца девяностых  
годов на кафедре проводились исследовательские  
работы по следующим темам:

«Проблемы использования сложных сигналов в  
системах радиосвязи» (научный руководитель до-  
цент А.Д.Кропивницкий);

«Создание оптимальной структуры распределе-  
ния информации при помощи наземных и спутни-  
ковых систем связи» (научный руководитель доцент  
Г.Я.Ляховецкий);

«Передача различных сообщений в широкопо-  
лосных системах связи» (научный руководитель до-  
цент С.Х.Сидиков);

«Исследование и разработка методов передачи  
цифровых сигналов по аналоговым магистральным  
кабельным линиям, оптимизация и коррекция па-  
раметров магистральных кабельных линий связи»  
(научный руководитель доцент А.А.Абдуазизов);

«Разработка устройств отображения радиолока-  
ционной информации на плоском экране» (научный  
руководитель доцент А.Д.Кропивницкий);

лда мавжуд. Лаборатория ва амалий машғулотлар ўтказиш учун ўқув-услубий қўлланмалар ўзбек ва рус тилларида етарли нусхада босмадан чиқарилган. Кафедра ўқитувчилари томонидан фанлардан 40 дан ортиқ виртуал лаборатория ишлари яратилган. Улардан 20 дан ортиги учун ўзбек ва рус тилида услубий қўлланма тайёрланган.

Кафедра ташкил этилган дастлабки йилда (1960 йил) кафедра қошида илмий-тадқиқот лабораторияси ташкил этилиб, унда 5 илмий ходим кафедра ўқитувчилари билан бирга илмий тадқиқот ишлари олиб боришни бошлаган. Биринчи илмий иш «Магнитострикцион фильтрлар яратиш ва уларнинг асосий хусусиятларини таҳлил этиш» мавзусига бағишланган. Ишга катта ўқитувчи В.К.Штейн раҳбарлик қилган. Кейинги мавзу «Қисқа тўлқинли радиоканаллар орқали фазаси манипуляцияланган сигналлар ёрдамида хабарларни узатишнинг халақитбардошлигини ўлчаш учун радиокабул қилиш қурилмаси яратиш ва уни таҳлил этиш» га бағишланган эди.

Бундан ташқари, кейинги йилларда кафедра профессор-ўқитувчилари 70-йиллар охиридан 90-йиллар охиригача илмий изланишлар олиб бордилар.

Буларга мисол тарикасида куйидагиларни айтиб ўтиш мумкин.

«Мураккаб сигналларни алоқа тизимларига татбиқ қилиш муаммолари» (илмий раҳбар, доцент А.А.Кропивницкий),

«Ахборотларни Ер ва сунъий йўлдош алоқа тармоқлари орқали тақсимлаш оптимал структураси-

ни яратиш» (илмий раҳбар, доцент Г.Я.Ляховецкий).

«Кенг полосали алоқа тармоқларида турли ахборотларни узатиш» (илмий раҳбар, доцент С.Х.Сидиков).

«Аналог кабелли магистрал алоқа тизимлари орқали сигналларни рақамли шаклда узатиш қурилмалари ва тизимларини яратиш» (илмий раҳбар, доцент О.А.Абдуазизов).

«Бирламчи сигналларни кодлаш, қайта ишлаш, улардаги ортиқчаликни камайтириш ва сиккиш» (илмий раҳбар О.А.Абдуазизов).

«Радиолокация тизими учун ахборотни акс эттирувчи ясси экран яратиш» (илмий раҳбар, доцент А.А.Кропивницкий).

«Комплементар транзисторлардан паст частотали аналог сигналларни кучайтириш қурилмаларида фойдаланиш» (илмий раҳбар, профессор Х.К.Арипов).

«Радиотехника ва телекоммуникацияга оид фанлардан виртуал лаборатория ишлари технологиясини яратиш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш» (илмий раҳбар, катта ўқитувчи И.Р.Фозилжанов).

Кафедрада олиб борилган илмий ва услубий ишлар натижасида 200 дан ортиқ илмий ва услубий мақолалар халқаро ва республика илмий журналларида чоп этилди, конференцияларда маърузалар қилинган. Баъзи ишлар натижаларидан алоқа техникаси янги авлодини яратишда фойдаланилган.

«Использование комплементарных транзисторов в устройствах усиления низкочастотных сигналов» (научный руководитель профессор Х.К.Арипов);

«Разработка виртуальных лабораторных работ по дисциплинам кафедры и внедрение их в учебный процесс» (научный руководитель старший преподаватель И.Р.Фазилжанов).

По результатам проведенных НИР опубликовано более 200 статей в журналах и сборниках, тезисов докладов на международных, республиканских и университетских конференциях. Результаты некоторых работ использованы в учебном процессе и при разработке конкретных средств связи.



## Радиоалоқа қурилмалари кафедраси

Радиоалоқа қурилмалари кафедраси 1960 йилда радио қабул қилиш қурилмалари кафедраси шаклида ташкил этилган. Унинг биринчи мудирлари лавозимига катта ўқитувчи Р.И.Мансуров тайинланди. Кафедрага, техника фанлари номзоди, доцент В.И.Прахов (1969-1980 йиллари) техника фанлари номзоди, доцент М.Г.Васильева (1973-1993 йилларда) мудирлик қилдилар. 1993 йилдан кафедрага ЎзФА академиги, физика-математика фанла-

ри доктори, профессор Т.Д.Раджабов мудирлик қилмоқда. У Халқаро алоқа академияси, Нью-Йорк академияси, Сан-Франциско ишлаб чиқариш академияси, Олимлар табиат ва жамият халқаро ассоциацияси академияси академиги.

Радио қабул қилиш қурилмалари кафедраси 1997 йилдан радиоалоқа қурилмалари кафедраси деб юритилмоқда. Кафедра профессор-ўқитувчилари асосан куйидаги фанлардан машғулоғлар олиб борганлар ва олиб бормоқдалар:

- кучайтириш қурилмалари,
- радио қабул қилиш қурилмалари,
- радио узатиш қурилмалари.



Р.Қ.Каримов (Ўртада)



84

## Кафедра уюштурув радиосвязи

Кафедра уюштурув радиосвязи организована в 1960 году под названием радиоприемные устройства. На должность заведующего кафедрой был назначен старший преподаватель Р.И.Мансуров. За время существования ею руководили кандидаты технических наук, доценты В.И.Прахов (1969-1980 гг.) и М.Г.Васильева (1980-1993 гг.). С 1993 года кафедрой заведует доктор физико-математических наук, профессор, академик АН РУз Т.Д.Раджабов. Он также является академиком Международной академии связи, Нью-Йоркской академии и Производственной академии Сан-Франциско, Ассоциации ученых естественных и общественных наук.

В 1997 году кафедре было передано проведение занятий по радиопередающим устройствам, она стала называться кафедрой устройств радиосвязи.

Преподаватели кафедры проводят занятия по дисциплинам:

- усилительные устройства,
- радиоприемные устройства,
- радиопередающие устройства,
- применение микропроцессоров в РЭА, а также по факультативным дисциплинам,
- цифровые радиоприемные устройства по факультативным дисциплинам.

ЭМС радиоэлектронных средств по факультативным дисциплинам,

аналоговая схемотехника по факультативным дисциплинам,

надлежащая РЭА по факультативным дисциплинам.

Кафедра имеет учебные лаборатории по усилительным устройствам, радиоприемным устройствам, радиопередающим устройствам и научно-исследовательские лаборатории.

На кафедре помимо заведующих кафедрой Р.И.Мансурова, В.И.Прахова и М.Г.Васильевой в разные годы работали доценты Л.Н.Гольдфельд, В.Я.Спирин, В.А.Лисовский, А.Л.Галиев, А.В.Маслов, Р.Қ.Каримов, А.Г.Негриенко, С.А.Сазонов, А.Л.Чен, П.П.Корсунцев, старшие преподаватели Я.Е.Фильгус, А.Г.Стариков, И.П.Дьяченко, Э.В.Карелина, А.Н.Царева, Т.М.Морозова, Н.Н.Баева, А.В.Тарасов, К.Х.Абдусаттаров, А.Кондрашечкин, П.Нигманов, Г.Н.Кузьмина, которые проводили лекционные, лабораторные и практические занятия. Ежегодно преподаватели кафедры руководят дипломными и выпускными квалификационными работами 25-30 студентов, а также 3-5 диссертациями магистрантов.

В настоящее время на кафедре работают профессор М.Ш.Насыров, доцент Д.А.Давронбеков, старшие преподаватели кандидаты технических наук Х.Х.Халиков, Э.В.Ни, М.О.Султанова, О.А.Жильцова и ассистенты М.М.Назаров, Д.Х.Миркаримов, У.Х.Арипова, Г.Н.Ахмедова.

микропроцессорларни радиоэлектрон аппаратларда қўллаш (тантов асосида).

рақамли радио қабул қилиш қурилмалари.

РЭА лойиҳалаш технологияси.

РЭА электро магнит ҳамжихатлиги.

Аналог схема техника.

РЭА мустаҳкамлиги (ишга яроқлилиги).

Кафедрада радио қабул қилиш қурилмалари, кучайтириш қурилмалари, радио узатиш қурилмалари ва илмий-тадқиқот лабораториялари бор.

Кафедра мудирлари Р.И.Мансуров, В.И.Прахов, М.Г.Васильевалардан ташқари, турли даврларда доцентлар: Л.Н.Гольдфельд, В.Я.Спириц, В.А.Лисовский, А.Л.Галиев, А.В.Маслов, Р.Қ.Каримов, А.Г.Негриенко, С.А.Сазонов, А.Л.Чен, А.Г.Стариков, П.П.Корсунцев; катта ўқитувчилар: Э.В.Карелина, А.Н.Царева, Я.Е. Фильгус, Н.П. Дьяченко, Т.Морозова, Н.Баева, А.В.Тарасовлар ва бошқалар талабаларга мутахассислик фанларидан билим бердилар. Ҳар йили кафедра ўқитувчилари 25-30 талабанинг дипломи ва бигирув малакавий ишларига, 3-5 магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қиладилар.

Ҳозирги кунда кафедрада профессор М.Ш.Носиров, доцент Д.А.Давронбеков, техника фанлари номзоди, катта ўқитувчилар: Ф.Х.Холиқов, Э.В.Ни, М.О.Султонова, О.А.Жильцова, ассистентлар М.М.Назаров, Д.Х.Миркаримов, У.Х.Арипова, Г.Н.Ахмедовалар ишламоқдалар.

Кафедра ўқитувчилари ўқитиладиган фанлардан турли ўқув қўлланмаларни яратиш; маъруза-

ларни аудио ёзувлар ва кўрсатмали схема, слайдлар билан таъминлашни, ўқишни модулли, блокли шаклда ташкил қилиш; ушбу шаклда ўқитишда талабалар ёдида 1,3 ва 6 ойдан сунг олган билимлари сақланиб қолиш жараёнини назорат қилиш, таҳлил этишда фаол қатнашдилар. Бу ишларни олиб боришда доцентлар М.Г.Васильева, В.И.Прахов, Л.Н.Гольдфельд ва катта ўқитувчи Э.В.Карелиналар алоҳида фаоллик кўрсатдилар.

Кафедра 1999 йилда Тошкент телеминорасида ва ЎзФА академияси академик асбоб ИИЧБ да ўз филиалини ташкил этди. Бу филиалларга техника фанлари номзоди, доцент М.Б.Атамухамедов ва физика-математика фанлари номзоди А.К.Қобиловлар мудир этиб тайинланганлар.

Кафедра ўқитувчи ва илмий ходимлари 60 - йиллардан бошлаб, сигналлар узатиш ва қабул қилиш воситаларини ривожлантириш истиқболли йўналишлари бўйича ва алоқа соҳаси тематикаси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариб келмоқдалар. Буларга кафедра илмий лабораторияларида ўтказилган тадқиқотлар бўйича бир қатор мавзуларни кўрсатиш мумкин:

резисторлар яроқлилигини тадқиқ этиш,

радио қабул қилиш қурилмалари халакиятбардошлигини ошириш услублари.

ташки муҳит тез ўзгарганда ва юқори бўлган шароитда микро йиғмаларни ишга яроқлилигини аниқлаш,

Преподаватели кафедры были первыми по подготовке аудиозаписей лекций и поясняющих их временных диаграмм, электрических схем, рисунков, слайдов при организации занятий по дисциплинам, по модульному и блочному методу. Также были на переднем фланге при организации трехсеместрового учебного процесса и проведении тестовых испытаний для определения остаточных знаний студентов через 1, 3 и 6 месяцев после экзаменов. В проведении этих работ особую активность проявляли доценты М.Г.Васильева, В.И.Прахов, Л.Н.Гольдфельд и старший преподаватель Э.В.Карелина.

Кафедра в 1999 году организовала свои филиалы на Ташкентской телевизионной башне и в НПО «Академасбоб» АН РУз. Заведующими филиалами кафедры являются кандидат технических наук, доцент М.Б.Атамухамедов и кандидат физико-математических наук А.К.Кабилов.

Преподаватели и научные сотрудники начиная с 60-х годов прошлого века ведут НИР по тематике отрасли связи и по перспективным направлениям развития средств передачи и приема сигналов. В качестве примера можно привести ряд тем, по которым проводились исследования в научно-исследовательских лабораториях кафедры. Это:

- исследование годности резисторов,
- методы повышения помехоустойчивости радиоприемных устройств,
- исследование годности микросхем при резких



Я.Е.Фильгус (справа)





юқори даражада мураккаб микро йиғмалар сифатини аниқлаш ва аввалдан аниқлаш.

РЭА асосий курсаткичларини математик моделлар асосида тадқиқ этиш.

алоқа тизимларида ахборотларни химоя қилиш услубларини яратиш.

стереофоник радио узатгич тулик стерео сигнални яратиш қурилмаси.

акустик-оптик филтрлардан радио электрон қурилмаларда фойдаланиш.

оптик материалларга ишлов бериш янги технологияларини яратиш.

юқори тезликда сигнал узатувчи оптик тола алоқа тизимини яратиш.

юқори тежамли кам қувватли кучайтириш қурилмаларини яратиш ва тадқиқ қилиш.

калитли режимда ишловчи транзисторли генераторларни тадқиқ этиш.

децеметр диапазони учун кам қувватли телевизион радио узатгичлар яратиш ва ясаш.

Олиб борилган илмий изланишлар асосида кафедра ўқитувчилари ва илмий ходимлар томонидан 600 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этилди, 40 дан ортиқ муаллифлик гувоҳномаси олинди, 10 та монография ва фанлардан ўқув қўлланмалари яратилди. 1993-2004 йиллар давомида кафедра ўқитувчи-аспирантларидан Ш.У.Пулатов, Д.А.Давронбеков, С.Абборов, Х.Х.Халиков, М.Имонкул номзодлик диссертацияларини ва кафедранинг собиқ доценти А.П.Галиев кафедрада ишлаш даврида ўтказилган тадқиқот ишлари натижасига асосан 2002 йилда докторлик диссертациясини химоя қилдилар. Ҳозирги кунда 5 та ёш ўқитувчи ва аспирантлар номзодлик диссертацияси устида ишламоқдалар.

Кафедра ўқитувчилари ТАСИС, ТЕМПУС, НАТО халқаро лойиҳалари ва грантлари асосида Бельгия, АҚШ, Германия ва Хитой алоқа ишлаб чиқариш корхоналарида ўз малакаларини оширдилар.

изменениях температуры и при высоких температурах.

- определение качества и диагностика работоспособности БИС и СБИС,
- исследование основных технических показателей РЭА при помощи математического моделирования.
- разработка способов защиты информации в системах связи.
- разработка устройства формирования комплексного стереосигнала,
- использование акусто-оптических фильтров в устройствах радиоэлектроники,
- новые технологии обработки оптических материалов,
- разработка системы передачи сигналов через оптические волокна с большой скоростью,
- разработка и исследование высокоэкономичных маломощных усилителей низкой частоты,
- исследование генераторов высокой частоты, работающих в ключевом режиме.

- разработка и изготовление маломощных телевизионных передатчиков дециметрового диапазона.

По результатам проведенных научных исследований преподавателями и научными сотрудниками кафедры было опубликовано более 600 научных статей, получено около 40 авторских свидетельств, издано более 10 монографий.

В течение 1993-2004 годов преподаватели и аспиранты Ш.У.Пулатов, Д.А.Давронбеков, С.Абборов, Х.Х.Халиков, М.Имонкуль защитили кандидатские диссертации. Бывший доцент кафедры А.П.Галиев по итогам проведенных исследовательских работ в 2002 году защитил докторскую диссертацию. В настоящее время пять молодых преподавателей и аспирантов работают над завершением кандидатских диссертаций.

Большинство преподавателей кафедры повышали свою квалификацию по грантам ТАСИС, «Темпус» и НАТО в Бельгии, Германии и Китае.

## Радиотехник тизимлар кафедраси

Радиотехник тизимлар кафедраси 1970 йилда ташкил этилган. У 1960 йилда ташкил этилган радиоузатиш курилмалари кафедраси таркибидан ажралиб чиққан. Кафедра 1996 йилгача радиоалоқа ва радиотехник тизимлар номи билан аталган. Кафедра кўп каналли электр алоқа факультети таркибида фаолият кўрсатган. 1986 йилда Радиотехника, радиозўшиттириш ва телевидение факультети таркибига ўтказилди. 1996 йилдан радиореле ва сунъий йўлдош орқали алоқа тизими. 2003-2004 ўқув йилидан бошлаб, радиотехник тизимлар номи билан юритила бошланди. Кафедрага 1970-1972 йилларда доцент В.И.Казанский. (1972-1974 йилларда) катта ўқитувчи С.А.Васильев. (1974-1977 йилларда) доцент О.Е.Абрамянц, (1977-1997 йилларда) В.Я.Спирин мудирлик қилдилар. Кафедрага 1997 йилдан техника фанлари номзоди, доцент Р.Р.Ибраимов мудирлик қилмоқда.

Кафедрада юқорида кўрсатилган ўқитувчилардан ташқари, катта ўқитувчи А.И.Вулоергис, В.И.Чижевский, Л.В.Белькиндлар ишлаганлар. 1972-1974 йилларда ассистент, В.Д.Мангельдина, Е.Ф.Кравченко, В.Н.Рожковлар келиб қўшилдилар. Кейинги йилларда кафедрага 1974 йилда фан номзодлари Р.Р.Ибраимов, И.К.Джалалов, Б.А.Романенко, 1977 йилда У.М.Якубова, А.Г.Негриенко,



Л.В.Белькинд

И.Я.Левентал, А.П.Кузкинлар фаолият кўрсатдилар. Ҳозирда кафедрада С.В.Васильев, Л.В.Белькинд, Р.Ю.Кавилова, А.П.Хатамов, ассистентлар, Д.А.Мирзаев, С.А.Абдукаюмов, Х.Х.Муминов, аспирант Э.С.Рахмитдиновлар талабаларга билим бермоқдалар.

Кафедрада куйидаги фанлар бўйича машғулотлар олиб борилади:

радиореле ва сунъий йўлдош орқали алоқа тизими.

радиоалоқа асослари.

харакатдаги уяли алоқа тизими.

PPJ1 куриш асослари.

87

## Кафедра радиотехнических систем

Кафедра радиотехнических систем организована в 1970 году. Она отделилась от организованной в 1960 году кафедры радиопередающих устройств. Поначалу, до 1986 года, она называлась кафедрой радиосвязи и радиотехнических систем. Организационно была закреплена за факультетом многоканальной электрической связи. С 1996 года стала называться кафедрой устройств радиосвязи и радиосистем. В 1986 году была переведена в состав факультета РРТ и переименована в радиорелейные и спутниковые системы связи. Начиная с 2003-04 учебного года называется кафедрой радиотехнических систем (РТС).

Заведующими кафедрой в 1970-1972 годы были доцент В.И.Казанский, старший преподаватель С.Л.Васильев (1972-1974гг.), доценты О.Е.Абрамянц (1974-1977гг.), В.Я.Спирин (1977-1997гг.) и с 1997 года доцент Р.Р.Ибраимов.

Кроме вышеупомянутых преподавателей, в первые годы здесь работали старшие преподаватели А.И.Вулоергис, В.И.Чижевский, Л.В.Белькинд. В период с 1972 по 1974 годы на кафедре начали работать молодые преподаватели В.Д.Мангельдина, Е.Ф.Кравченко, В.Н.Рожков. С 1974 года состав кафедры пополняется кандидатами наук Р.Р.Ибраимовым, И.К.Джалаловым и Б.А.Романенко. С 1977

года начали работать У.М.Якубова, А.Г.Негриенко, М.Я.Левенталь и А.П.Кузькин. В настоящее время на кафедре работают старшие преподаватели С.А.Васильев, Л.В.Белькинд, Р.Ю.Кавилова, А.П.Хатамов, ассистенты Д.А.Мирзаев, С.А.Абдукаюмов, Х.Х.Муминов, аспирант Э.С.Рахмитдинов.

Преподаватели кафедры проводят занятия по дисциплинам:

радиорелейные и спутниковые системы связи.

основы радиосвязи.

системы подвижной связи.

основы построения РРЛ,

мобильные системы связи.

малоканальные цифровые РРЛ,

современные технологии мобильных систем связи.

радиорелейные и тропосферные системы связи.

основы радиосвязи и телевидения.

Кафедра имеет учебные лаборатории и компьютерный класс, в котором студенты выполняют виртуальные лабораторные работы по дисциплинам мобильные системы связи, радиорелейные и спутниковые системы связи. Компьютерный класс оснащен по гранту компании Motorola, который был выделен в 2004 году.

Кафедрой на узбекском и русском языках выпущены конспекты лекций и методические указания по дисциплинам.

Темы выпускных квалификационных работ и магистерских диссертаций, предлагаемые препода-

мобил алоқа тизимлари,  
рақамли кам каналли РРЛ,  
мобил алоқа замонавий технологиялари,  
радиореле ва тропосфера алоқа тизими,  
радиоалоқа ва телевидение асослари.

Кафедра ўқув лабораториясига ва компьютер синфига эга. Компьютер синфида мобил алоқа тизимлари, радиореле ва сунъий йўлдош орқали алоқа тизимлари фанларидан виртуал лаборатория ишлари бажарилади. Кафедра компьютер синфи MOTOROLA фирмасининг 20000 АҚШ доллари гранти ёрдамида ташкил этилган.

Кафедрада фанлардан маъруза матнлари ва услубий қўлланмалар ўзбек ва рус тилларида тайёрланган.

Битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари замонавий муаммоларга бағишланган. Кафедра ёш изланувчи ўқитувчилардан Э.С.Рахмитдинов ва С.А.Абдукаюмовлар номзодлик диссертациялари устида иш олиб бормоқдалар.

Кафедрада Орол денгизи сув хавзасида ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва бошқариш тизимида «Ёр сунъий йўлдошдан фойдаланиш» мавзусида, «Сунъий йўлдош орқали алоқа тизими ёрдамида рақамли радиоэшитириш ва телевидение дастурларини тарқатиш» муаммоси; «Алоқа тизимлари, каналлари асосий характеристикаларини масофадан



ўлчаш услубларини яратиш ва таҳлил» устида изланишлар олиб борилган. Изланишлар натижасида қатор илмий мақолалар чоп этилди ва И.Я.Левенталь, А.Р.Арслоновлар номзодлик диссертацияларини химоя қилдилар.

Кафедра ўқитувчилари университет, республика миқёсида ўтказиладиган ва халқаро илмий анжуманларда фаол қатнашмоқдалар.

вателями, являются актуальными и представляют определенный практический интерес. Молодые преподаватели Э.С.Рахмитдинов и С.А.Абдукаюмов работают над кандидатскими диссертациями.

Преподаватели и сотрудники кафедры проводили госбюджетные и хоздоговорные научно-исследовательские работы. Особое место среди них занимают такие темы, как использование искусственных спутников Земли при сборе, обработке и управлении водным бассейном Аральского моря, проблема распределения цифровых ра-

диовещательных и телевизионных программ через ИСЗ, разработка и исследование методов дистанционного измерения основных характеристик систем и каналов связи. По результатам проведенных НИР опубликован ряд научных статей. А.Р.Арслановым и И.Я.Левенталь защищены кандидатские диссертации.

Преподаватели кафедры принимают активное участие в международных и республиканских научно-технических и научно-методических конференциях.



## Антенна-фидер қурилмалари кафедраси

1965 йил кафедрада ўқитиладиган электротехника назарий асослари ва радиотехника назарий асослари, электр алоқа назарий асослари фанлари қайта тақсимлаш орқали ташкил этилди. Ўша вақтда техник электродинамика ва антенналар кафедраси сифатида ташкил этилди. 1994/1995 ўқув йилидан бошлаб, антенна-фидер қурилмалари кафедраси деб юритилмоқда. Унинг биринчи мудир

